



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Зомин тумани**

**2022 йил 19 декабрь**

**4-1303-2201/2392-сонли иш**

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдулов котиблигида, аризаچи Зомин тумани Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар "UMURZAKOV ZAFAR BUILDINGS" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини тарафлардан аризаچи вакили Ш.Назаров (2022 йил 13 майдаги 23-01080-сонли ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Зомин туманлараро иқтисодий суди маъмурий биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Зомин тумани Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда "Аризаچи" деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, "UMURZAKOV ZAFAR BUILDINGS" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда «Жавобгар» деб юритилади) 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаганлиги боис жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризаچи вакили, ариза талабини қўллаб қувватлаб, жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари суд кунига қадар тақдим этилмаганлигини маълум қилиб, бу ҳақида судга ушбу кун ҳолатига берилган маълумотномани тақдим этиб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакили иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз, тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Мазкур ҳолатда суд ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим деб топади.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, аризаچи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлари ва суд муҳокамасидан аниқланишича, жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги аниқланган. Шу сабабли, солиқ органининг қарори билан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетида хабарнома, қарор эса ижро этишлик учун хизмат кўрсатувчи банкка юборилган. Шунга қарамай жавобгар томонидан ҳисобот топширилмагач, аризаچи судга солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботида илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади, 273-моддасига кўра эса, солиқ тўловчилар, агар



ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ даврдан кейинги ойнанинг йигирманчи кундан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 111-моддасида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкинлиги, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги, бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши белгиланган.

Жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги ҳолати ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва аризачи вакили томонидан судга ушбу кун ҳолатига тақдим этилган маълумотнома билан тасдиғини топганлигини инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддасига кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида билдирилган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунга қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

### **Қ А Р О Р   Қ И Л Д И:**

Аризачининг аризаси қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан жавобгар "UMURZAKOV ZAFAR BUILDINGS" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақларининг чиқим қисми (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) бўйича операциялари жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари топширилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар томонидан қайд этилган камчиликлар бартараф этилгач банк томонидан солиқ органининг қарорига (маълумотига) асосан жавобгарнинг ҳисобварақлари бўйича операциялари тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиши (тарафлар мурожаати мавжуд бўлганида прокурор протест келтириши) мумкин.

**Раислик этувчи, судья**

**Ш.Х.Бегматов**

